

Президент қарорининг ижросига бағишлиланган семинар-йиғилишлар ўтказилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги «Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2724-сонли қарорининг мазмун-моҳиятини автомобильда ташувчиларга етказиш, жойларда унинг ижросини сифатли амалга ошириш мақсадида жорий йилнинг 30 январидан 15 февралягача Қорақалпоғистон Республикасида ва барча вилоятларда семинар-йиғилишлар ўтказилди.

Семинар-йиғилишларда вилоят ҳокимлиги мутахасислари, Агентликнинг норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиш бўлими ва худудий бўлимлари мутахассислари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси ва ИИВ ЙҲҲББ вакиллари ҳамда автомобильда ташувчилар иштирок этишди.

Семинар-йиғилишларда юқоридаги Қарор билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда шаҳар ва қишлоқларда автотранспорт таъминоти даражасини янада ривожлантириш Дастури» доирасида амалга ошириш режалаштирилган чора-тадбирлар тўғрисида сўз юритилди, шунингдек Президент қарори ижросини таъминлаш юзасидан қабул қилиниши кутилаётган Ҳукумат қарори лойиҳасининг тақдимоти ўтказилди.

Қарорда белгиланган солик имтиёзлари, уларни тўғри ҳисоблаш ва бухгалтерия ҳисботларини юритиш, бухгалтерия қонунчилигидаги ўзгаришлар, автостанцияларни қуриш ва реконструкция қилиш учун маҳаллий бюджетдан маблағларни жалб этиш механизмлари ҳамда янги автобусларни харид қилиш учун кредит ва лизинг олиш масалалари Молия вазирлиги мутахассислари томонидан атрофлича ёритилиб, тадбиркорларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Шу билан бир қаторда, Президент қарорига мувофиқ, йўловчилар ташишни бошқариш тизимиға замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, жумладан, аҳолига шаҳар транспортида йўл ҳақини нақд пулсиз маҳсус пластик карточкалар ёрдамида амалга ошириш ва мунтазам йўловчилар ташиш йўналишларида банд бўлган автобус ва микроавтобуслар ишини масофадан онлайн режимида назорат қилиш (GPS) тизимларининг кенг имкониятлари, қулайликлари ҳамда худудларда босқичма-босқич жорий этилишига бағишлиланган алоҳида тақдимот ҳам ўтказилди.

Семинар-йиғилишларда ташувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан батафсил жавоблар олишди. Бундан ташқари, уларнинг фаолиятида юзага келаётган муаммолар юзасидан таклиф ва ечимлар берилди.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати